

# **Термиз туманида янги хусусий туғруқ комплекси иш бошлади**



Термиз тумани “Қүёшли юрт” маҳалласида гинеколог Холтожи Қурбонов томонидан “Гулнигор Шифо-Мед” хусусий корхонасига қарашли хусусий туғруқ комплекси ишга туширилди.

Вилоятда ягона бўлган хусусий туғруқ комплекси 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган.

Хусусий туғруқ комплекси очилиш маросимида вилоят Соғлиқ сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари, нуронийлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.